

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

3 (64)/ 2017

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.
№3 (64), 2017.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№3 (64), 2017.

Уч ойда бир марта чиқадиған илмий-услубий журнал

Scientific-methodical journal

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институту

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Тахрир хайъати:

Editorial Board:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шахриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
БУШУЙ Анатолий
ТУРНИЁЗОВ Нёмат
(муҳаррир ўринбосари)
РИЗАЕВ Баҳодир
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
ЭШҚОБИЛОВ Абдували (масъул котиб)

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
BUSHUY Anatoliy
TURNIYOZOV Nemat (vice editor)
RIZAYEV Bakhodir
KHOLBEKOV Mukhammadjon
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
ESHKOBILOV Abduvali (executive secretary)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
РАХИМОВ Сотиболди
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАХИМОВ Ғанишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Stev (USA)
RAKHIMOV Sotiboldi
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.

The journal is included in the list of required publications
according to the recommendation of the expert council in
filological sciences of Higher Attestation Committee
(Proceeding #2 from March 10, 2014).

Тахририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662)233-78-43; (998-662)231-13-42
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43; (998-662)231-13-42
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.

The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

The journal has been published since 2001.



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Turniyazov N., Turobov A. Til birliklarining nutqqa ko'chirilishi masalasi bilan bog'liq ba'zi mulohazalar.....	5
Холбеков М. Француз “Бульвар театри”.....	10
Махмудова М. Чет тилларни ўқитишнинг педагогик тамойиллари.....	24
Киселев Д. Анафорические прилагательные французского языка со значением противопоставления: семантический и функциональный аспекты.....	27
Яхшиев А. Принципы реализации текстопорождающих возможностей фразеологии в разговорной речи.....	31
Рахимов А. Номинатив фаолиятнинг лингвокогнитив асослари ҳақидаги тарихий қарашлар ҳақида.....	38
Акбаров А. Обучение языку, имитационная теория и изучение иностранного языка....	46
Қобилов У. Атойи лирикасида бадиий образ ва деталлар талқини.....	57

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Мардиев Т. Инглиз ва ўзбек тилидаги юрак концептининг вербаллашуви.....	68
Зияева С. Проблема определения степени овладения социолингвистическим аспектом языка.....	71
Шокиров Ш. Инглиз тилида “eye-кўз” семасига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	74
Хожанова У. Язык – средство общения и дисциплина изучения.....	78
Назарова Ш. Транспозиция ходисасининг воқеланиш кўламига доир.....	83
Қаршибаева У. Француз романтизмнинг шаклланишига Шарль Нодье ижодининг таъсири.....	88
Касимова А. Motivation and awareness in practice.....	93

ТАҚРИЗ

Исмаилов А. Основы взаимосвязи языка и культуры.....	95
--	----

ХОТИРА

Умарходжаев М., Бегматов М. Учёный, учитель, человек с большой буквы.....	99
Сафаров Ш., Маматқулов А., Мирсанов Ғ., Воситов В. Сотиболди Раҳимов (1943-2017).....	102
Сафаров Ш., Сиддиқова И., Жумабоева Ж. Ўткир Курбонович Юсупов (1938-2017).....	104

ТАРЖИМА

Мирзаев И., Мирзаева Д. Таржима жараёнида луғат ва маълумотномалар билан ишлаш. С.С.Толстой (Россия).....	106
---	-----



CONTENTS

REPORTS

Turniyazov N., Turobov A. Some views on issue of transition of language units into speech.....	5
Kholbekov M. French “Boulevard theatre”.....	10
Makhmudova M. Pedagogical principles in foreign language teaching.....	24
Kiselyov D. Anaphoric adjectives of opposition in French: semantic and functional aspects.....	27
Yaxshiyev A. Principles for the realization of text-generating.....	31
Rakhimov A. Formation of early linguistic outlook on linguocognitive basis of nominative activity	38
Akbarov A. Language teaching, imitation theory and foreign language learning... ..	46
Kabilov U. Interpretation of details and artistic images in the lyrics of Atai.....	57

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Mardiev T. Verbalization the concept of “heart” in English and Uzbek languages.....	68
Ziyaeva S. Issue of definition of sociolinguistic skills acquisition level.....	71
Shokirov Sh. Semantic peculiarities of English words with "eye" component.....	74
Khodjanova U. Language as a mean of communication and study discipline.....	78
Nazarova Sh. About the transposition phenomenon.....	83
Karchibaeva U. Influence of creative Charles Nodier activity on shaping the French romanticism.....	88
Kasimova A. Amalda turtki va salohiyatni oshirish	93

REVIEWS

Ismailov A. Language and culture.....	95
--	----

MEMORIA

Umarxodjayev U., Begmatov M. Scientist, teacher, man with a capital letter	99
Safarov Sh., Mamatqulov A., Mirsanov G‘., Vositov V. Sotiboldi Raximov (1943-2017).....	102
Safarov Sh., Siddikova I., Jumaboyeva J. Utkir Kurbanovich Yusupov (1938-2017)	104

TRANSLATION

Mirzayev I., Mirzayeva D. Working with dictionaries and references in the translation process. S.Tolstoy (Russia)	106
--	-----



АТОЙИ ЛИРИКАСИДА БАДИИЙ ОБРАЗ ВА ДЕТАЛЛАР ТАЛҚИНИ

*Қобилов Усмон,
СамДУ доценти*

Калит сўзлар: Истиқлол, мумтоз шеърят, Атойи лирикаси, газал жанри, бадиий образ, рамз, мажоз, шеърый санъат, нубувват, адабий анъана, бадиий тасвир.

XV асрнинг биринчи ярмига келиб туркий – ўзбек тилида мумтоз шеърят шиддат билан тараққий эта борди. Бу бадиий тафаккур оламида Навоийдек буюк феномен пайдо бўлаётганидан дарак ҳам эди. Ушбу давр ўзбек адабиёти такомилени “ўз замонида шеъри атрок (туркий шеърят) орасида кўп шуҳрат туган” Мавлоно Атойисиз тасаввурга келтириб бўлмайди. У бор туйғуларини газал жанрида ифодалаб берган шоирдир. Атойининг ҳар бир ғазалидаги тасвир юксак бадиий санъаткорлиги билан дилларни ўзига махлиё этади. Унда Шарқ шеърятини анъаналарига хос бадиий санъаткорлик юксак даражада ўз ифодасини топган. Айниқса шоир ранг – баранг бадиий образ ва улар билан боғлиқ деталлар тасвирида бетакрор санъаткорлик маҳоратини намоён этган. Бу бебаҳо шеърят бадиий жозибаторлигини таъмин этувчи жиҳатлар кўп. Улардан бири аҳли нубувват бадиий образлари талқинида кўринади. Атойи лирикасида нубувват тимсоллари талқини масаласи икки муҳим хулосани эътироф этишимизга имкон беради. Биринчидан, ижодкор Навоий таъкидлаганидек, “ҳақиқат сирларини мажоз йўли билан” тасвирлаш, яъни сўфиёна руҳда ижод этиш билан бирга “нубувват хайли” тарихини ҳам мукамал ўзлаштирганлиги масаласи бўлса, иккинчидан, бу тимсоллар орқали шеърый санъат масаласида бениҳоя жозиб маҳорат намоён этганлигидир. Бу ҳолат айниқса унинг шеърятини аҳли нубувват тарихида “ахзанул қасас” деб эътироф этилган ва жаҳон адабиётининг дурдона мавзуси ҳисобланган Юсуфи Канъон тимсолига мурожаат этилишида яққол намоён бўлади. Туркий – ўзбек шеърятини бу

сиймо бадиий образини Атойи қадар кенг тасвирлаган шоир ҳам учрамайди. Бу, фикримизча, бир томондан Юсуф тимсоли бошқа шу типли образларга кўра шеърый услуб оҳангига мослиги ва иккинчи томондан “ҳақиқатни мажоз тили” билан ифодалашда кенгроқ имконга эгаллиги билан изоҳланади. Умуман олганда мумтоз шеърятда бундай шеърый оҳангдор образлар сирасига Хизр, Масих, Мажнун, Фарход, Юсуф, Вомиқ сингариларни киритишимиз мумкин. Бу ҳолат лирик ифодаларда бир анъана тусига айланиб кетган. Барча лирик девонларда бу образ-тимсолларнинг сермахсул ифодаси кўзга ташланади. Айни образ – тимсоллар лирик кечинмаларга уйғун ҳис – туйғулар уйғотиш имконига ҳам кўпроқ эгадир. Шу боис бу тимсоллар ўзгача бир завқу шавқ билан тасвирланади. Буни Атойи шеърый тажрибалари ҳам исбот этиб беради. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, бундай образлар қанча миқдор ёки рақамда тасвир этилган бўлса, шунча хил поэтик манзара, бетакрор бадиий кечинмаларни ҳам вужудга келтиради. Худди шу ҳол бутун ўзбек шеърятини каби Атойи лирик меросида ҳам кўринади. Унда Юсуф ўттиздан ортиқ, Масих йигирмадан зиёд, Сулаймон етти, Хизр ўн олти, Нуҳ олти, Яъқуб беш, Мусо тўрт, Аюб уч бора бадиий тимсол – талмех сифатида тасвир этилган. Эътиборлиси бу образ – тимсоллар ҳар бир мисра ёки байтда ўзгача бир руҳият ва бадиий – эстетик маъноларни юзага чиқаради. Мисол учун Атойи талқинича ҳам Муҳаммад Мустафо нубувват тимсоли ҳисобланади. Яъни, нубувват унинг “нур”, (“ҳақиқати муҳаммадия”) ва “сурат”, (“мажози муҳаммадия”) тарзидаги



борлиғидир. Бу ҳолат мумтоз шеъриятда турлича тасвирий ифодалар билан талқин этилади. Мавлоно Атоийи лирикасида эса бу мақом “қулф ва калит” рамзида оҳорий ташбеҳ касб этган бўлиб, бундай талқин ифодаси бошқа бир шеърий сатрларда кузатилмайди.

Нубувват бобининг қуфлу калиди,

Санга топишурди охир дамда

Фаттоҳ.

Бу ўринда байтдаги ҳар бир сўз ва ифода юксак маҳорат билан бадиий – эстетик фикр мантиғига хизмат этган. Масалан, унда ал-Ҳақ маъноси ва сифатини билдириб келувчи “Фаттоҳ” тушунчаси ҳам шеър оҳангига биноан келтирилган. У бежизга айнан Фаттоҳ тарзида қўлланилмаган. Бадиий талқин учун Ҳақ афъолу сифотларидек беҳисоб образли ифодалар кам учрайди. Гап шундаки, Шарқ шеъриятида бу ифодаларни мақсадга мувофиқ, ўз ўрнида ишлата билиш масаласи ҳам юксак маҳорат талаб этиш билан бирга беназир илму урфон соҳиби бўлишни ҳам тақозо этган. Шу нуқтаи назардан Атоийи талқинида, Фаттоҳнинг - “фатҳ этувчи”, “забт этувчи” маъноси эмас, балки “тугунларни очувчи”, “масалани ечувчи” мазмунидаги ифодаси назарда тутилган бўлиб, бу “қулфни очувчи ва ёпувчи калит” маъносига бадиий рамз вазифасини бажариб берган. Бунда “қулф” нубувват рамзи бўлса, “калит” Ҳазрати Мустафо тимсолидир. Шарқона талқинларга кўра, нубувват эшиклари қулфини очган ҳам, ёпган ҳам Муҳаммад пайғамбар деб қаралади. Иккинчи томондан байтда назарда тутилган рамзий талқинлар, Муҳаммадга “нубувват боби”га “қулфу калитлик” мартабаси Фаттоҳ томонидан топширилганлигига ҳам ишора этмоқда. Демак, Атоийи талқинича, Мустафо нубувватни очувчи ва ёпувчи “мажоз калити” бўлса, Фаттоҳ барча бандлар, хусусан, нубувватни ҳам очувчи ва ёпувчи “ҳақиқат калити”дир. Ушбу талқин замирида шоирнинг рамздан фойдаланиш маҳорати ва шеър жозибадорлигини таъмин этувчи яна бир муҳим жиҳат

шундаки, унда Муҳаммад сиймоси айни бир образ ёки тимсолда келтирилмасдан, фақат сатрлар маъно оҳанги орқалигина юзага чиқарилади. Бу оҳанг “санга” олмошида акс этган, холос. Шундан байтда: “Фаттоҳ охир-оқибат нубувват бобининг қулфи-калитини сенга топширди”, – мазмуни келиб чиқади. Агар шу тариха бу масала талқинини бошқа бадиий ифодалар билан ҳам таккос этадиган бўлсак, унда нубувват ифодасидаги рамзий тасвирлари табора ранго-ранглашиб кетаверади. Шарқона талқинларда шу “нур” маърифати бутун борлиқ, жумладан, нубувватнинг ҳам асосини ташкил этади. Набийлик шакли эса Ҳазрати Одам билан бошланади. Унинг набийлиги одамзод шарафи ва мукаррамлиги, “комил халифалиги” белгисидир. Атоийи талқинича, Шайтоннинг одамга сажда қилмасдан Тангри мардудига (рад этилган) учраганлигига сабаб Одам ҳуснида ўша “жамол ва камол нури”ни кўрганлигидандир.

Жамолинг нуруни Одам ҳуснида
кўруб Шайтон,

Чу сажда қилмади, бўлди ҳамшиша
Тенгри мардуди.

Шарқона қарашларга кўра, Шайтон тарихи одамзод кечмишидан жуда ҳам узокдир. У манбаларда муттасил ибодати туфайли еттинчи қават ердан еттинчи қават осмонгача кўтарилганлиги қайд этилади. Шайтон биринчи бўлиб обид, зоҳид, ориф, вали, хорис, азиз саналган эди. Бироқ Лавҳ ал-Махфузда (такдир ёзиғи) унинг қисматиға мардудлик ёзилган эди. Баъзи талқинларда бу мардудлик такаббурлик, Ҳақ иродасига эътиборсизлик, айримларида Аллоҳга, баъзисида унинг яратиларига душманлик боис деб қаралади. Баъзи талқинларда эса бу мардудлик ҳам синов даври сифатида баҳоланади. Атоийи эса бу масалани ўзига хос бир бадиий кашфиёт билан талқин этади. Унга кўра, Шайтон Одам ҳуснида жамол нуруни пайқайди. Бу одамзоднинг меҳр – муҳаббат билан яратилганлигини билдирар эди. Зеро, шарқона қарашлар



бўйича оламу одам Ҳақнинг ана шу “нур”га муҳаббатидан бино этилганлиги қайд этилади. Шу севимлилик боис одамга фаришталар сажда кўрсатдилар. Бу Шайтоннинг ғашини келтиради. Ўзини бу севимлиликдан мосиво ҳис этади. Одамга сажда келтирмайди. Тангри таолонинг хамишалик мардудига айланди. Халқ орасида юрадиган “ноумид шайтон” ибораси ҳам шундандир. Атойи талқинида, шайтоний манманликка нисбатан инсоний хокисорлик улуғланади. Унинг қаламига мансуб сатрларда айтилишича, одам тийнати Жаброил келтирган камтарлик зийнати билан қорилгандир.

Тахмир этарда тийнати одамни қудсилар,

Келтурди Жабраил анинг хоки роҳини.

Яъни, одамийнинг хулқ – атвори поклик билан қорилётганида, хокисорлик, камсукумлик тупроғи Жаброили Амин томонидан келтирилган эди. Мумтоз шеърятда нубувват тимсоллари тасвир этилганда ўзаро мувозийлик кўпинча вақт нуқтаи назаридан эмас, балки бадиият жиҳатдан талқинни юзага келтиради. Шу боис Хизр умри, Сулаймон мулки, Нух умри, Сомирий сеҳри, Масих эъжози, Юсуф ҳусни сингари ўхшатмалар биргаликда тасвир этилаверади. Бундай анъана Атойи ижодига ҳам хосдир. Бунда фақат бадиият талаби устуворлик қилади, холос. Тарихан олиб қаралганда эса бошқача манзара намоён бўлади. Биргина мисол “Қисас ул-анбиё” ёки бошқа набийлар тарихларида ал-Хизр абадий тирик, эзгу ишларда мададкор сифатида талқин этилса-да, нубувват ҳалқасида фақат Мусо ва Илёс қиссаларида зикр этилади. Лекин бадиий талқинларда ўзга набий ва тарихий – афсонавий сиймолар билан ҳам бир ўринда келаверади. Атойининг ушбу байтида Хизр тимсоли Нух билан бирга тасвир этилади. Аниқроғи, Хизр оби ҳаёти ва Нух умри бир поэтик манзара кашфига хизмат қилади. Аслида уларни тарихан боғлайдиган нуқталар эътироф этилмайди. Бунда гўё маъшук санамнинг ўзи

руҳсифатдир. Лаби лаъли эса Хизрнинг тириклик суви қадар бўлиб, Нух умрини ҳосил қилади.

Бу пари пайкар санам гўёки маъзи руҳдур,

Лаъли Хизр оби ҳаёти, қилди умри Нухдур.

Бошқа ўринларда ҳам лирик қаҳрамон учун Нух кечирган узоқ умр рамз вазифасини ўтайди. Гўё ошиқ учун висол йўлида бу умр ҳам ҳеч нимани англамайди. Бу йўлда ошиқ кўзидан оққан ёш дарёси тўфони оламни ғарқ этади. Шундан Атойи ўз ғазалларидан бирида: “Топмасам васлингниким, ул Нух умридур манга, Ғарқи тўфон айлағай оламни кўз ёшим менинг”, - дейди. Ёки шоир лирик қаҳрамони учун маъшук билан кечирган бир лаҳза Сулаймон мулки ва Нух умрига тенглашади. Яъни: “Сулаймон мулкидур ҳам Нух умри, Санинг бирла кечурган бир замоним”. Бунда, албатта, Сулаймондек бутун олам подшоси ва унинг беҳисоб мол – мулки ҳамда Нух сингари қирқ – эллик авлод даражасидаги узоқ умрни кўз ўнгимизда гавдалантирсак, бадиий талқин рамзиятидан ҳайрат ўз – ўзидан ойдинлашади. Мавлоно Атойи яна бир байтида лирик қаҳрамон “маҳбуба билан кечирган бир онини Хизр ҳаёти, Нух умри, Жамшид мулкига” ҳам тенглаштирмайди.

Ҳаёти Хизру умри Нуху ҳам Жамшиднинг мулкин,

Тенг этмасмен санинг бирла кечурган бир замонимга.

Шоир шеърятда Сулаймон образи талқин этилганда кўпинча у билан боғлиқ ҳолда ё “мулк”, ёки “чумоли” тушунчаларига мурожаат этилади. Маълумки, мулк ва молик тушунчалари ўзакдош сўзлар ҳисобланади. Мулк дейилганда предмет маъносида моддий олам ва унинг бойликлари назарда тутилади. Молик тушунчаси эса барча мулклар эгаси маъносини англатади. Ҳар иккала тушунча ҳам мумтоз адабиётимизда кўп маъноли сўзлар сирасига киради. Мумтоз адабиётда Молик кичик бир мулк соҳибидан Молик ал-



мулк, яъни барча мулклар эгаси бўлган ал-Ҳақ маъносига, мулк – оддий бир ашёдан бутун борлиқ мулкигача бўлган маъноларда талқин этилади. Шарқона талқинларга кўра, бутун олам мулкни бошқариш тўрт кишига насиб этган экан. Шулардан иккитаси, яъни Сулаймон ва Зулқарнайн муслим, иккитаси, яъни Намруд ва Бухт Наср куффор ахлидан деб қаралади. Мумтоз шеъриятда шундан келиб чиқиб Сулаймон пайғамбар беҳисоб молу мулкка эга бўлган жаҳон шоҳи образини ифодалаб келади. Шунга қарамасдан ҳам Сулаймон жуда кўп синовлардан ўтказилади. Шундай синовлардан бири шу даражадаги салобат билан ҳам бир чумолининг ақли қошида хайратда қолиши воқелигини айтиб ўтиш мумкин. Аммо шеъриятда, хусусан, Атойи лирикасида чумоли бу фабула маъносида эмас, балки Сулаймонга тегишли бўлган жонзод сифатида ўзга адабий – эстетик манзаралар яратишга хизмат этади. Умуман мумтоз шеъриятда нубувват тимсоллари талқин этилганда худди шундай адабий қонуниятларга амал қилинади. Яъни, муайян сатрларда у ёки бу набий ёки бошқа тарихий – афсонавий шахс тасвирланар экан, улар билан боғлиқ турли жонли ва жонсиз предметлар ҳам келиб ўзга бир тасвир, бошқа бир талқин иқлимларини ҳосил қилади. Бунга Атойи лирикасида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, Сулаймон образи талқинидаги “мур” ҳам худди шундай моҳият касб этади. Шоир ўз ғазалларидан бирида “мур” ва Сулаймон образларини бир ўринда тасвираб, ажойиб бир бадий лавҳа яратади.

Мурни озурда қилма, хосса ошиқ кўнглини,

Ҳусн мулкинда тиларсанким, Сулаймон бўлгасен.

Байт мазмунига кўра, “хос ошиқлар кўнглини ҳусн мулкида истасанг, чумолига ҳам озор бермагил”, – дейилган хулоса бор. Шунда Сулаймондек мулк эгаси бўласан. Бунда ошиқ кўнглининг ҳусн мулкига эга бўлиши, Сулаймоннинг олам мулкига эгаллиги билан

баробарлаштирилган. Яъни, ошиқ ва Сулаймон, гўзаллик ва бойлик мулки, кўнгили ва чумоли озурдалиги бир қаторга қўйилиб талқин этилган. Хулоса эса аён, кўнгилда пайдо бўлган ишқ ошиқни ҳусн мулкнинг шоҳи даражасига кўтаради. Бошқа бир мисраларда эса Ҳорут ва Морут қиссаларига эътибор қаратилади. Маълумки, ушбу қисса бани одам учун ниҳоятда катта ибратга эгадир. Асли фаришталардан бўлган бу тимсоллар сабру қаноат бобида сабот кўрсата олмасдан охиратгача Бобил чоҳига ташланиб қаттиқ жазога тортиладилар. Уларнинг аччиқ қисматини акс эттирувчи ривоят фабуласи мумтоз шеъриятимизда кўп ҳам кўзга ташланавермайди. Атойи бу ибрат қиссасидан ўзгача оҳангли эстетик талқинни амалга оширишда фойдаланади. Бу мумтоз шеър бадииятининг ўзига хос тасвир услуби ҳам ҳисобланади. Унда айтилишича, “сенинг кўзинг сеҳри ғам диёрини Бобил чоҳидек қилиб, нозу ишва билан кўнгилини Ҳорутдек чоҳга мубтало қилди. Шакардек оғзинг шарбати Хизр сувини, лаъли лабинг эса яшил кўқарчинларни яширди.

Чоҳи Бобилтеқ қилиб ғам гўшасин соҳир кўзунг,

Шева бирла мубтало қилди кўнгул Ҳорутини.

Хизрнинг суйин яшурди шаққар оғзинг шарбати,

Сабзайи лаъли лабинг ҳам сабзи хат ёқутини.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мумтоз шеъриятда битта образ – тимсол ёки сўзгина эмас, балки бутун бир сюжет ҳам истиоравий маъно ифодалашга хизмат этади. Бу ўринда ҳам ичидан дунёнинг барча бадбўйликлари анқиб турадиган ва унга Ҳорут билан Морут ташланган қудуқ Чоҳи Бобил – “ғам гўшаси”га, бу фаришталар синов мақсадида ўргатадиган сеҳр – жоду – “кўз”га, гўзалга маҳлиё бўлиб ўз ҳолидан мосиво бўлган Ҳорут – “кўнгили”га, Хизр чашмаси – “оғиз шарбати”га, лаъли лаб – “яшил кўқарчин”га микёсан рамз талқинидир. Албатта, ғам, кўз, кўнгили,



оғиз, лаб, хат кабилар ҳар бири рамзий маънога эга бўлган бадий тимсол ҳисобланади. Масалан, бир маънода ғам гўшаси – дунё ҳаёти, кўз – мушоҳада, басират, кўнгил – ишқ ва сирлар мазҳари, оғиз – махфий асрор, лаб – илоҳий сўзлар, хат – улуғлик, ғайб олами рамзини ифодалаб келади. Мумтоз шеъриятда бу ҳақиқатларни тасвир этадиган сон-саноксиз мажозий ифодалар бор. Шулар ичида энг сермахсули аҳли нубувват тариқи сиймолари ва улар билан боғлиқ поэтик тимсоллардир. Атойи мазкур мисраларда яна лаб тимсолини рамзий ифодалар билан тасвирлайди. Уни жаннат боғидаги Кавсар шарбатидан ҳам, Хизрга туганмас умр ато этган оби ҳайвондан ҳам аъло кўради. Яъни, шоир: “Мен нетай боғи беҳишту Хизр умринким, манга, Лабларингдур оби ҳайвон бирла Кавсар шарбати”, - дейди. Ёки бошқа бир ўринда “Аллоҳ сенга Нуҳ умрини берсин, менга айрилиқда Аюб сабрини ато этсин. Бу ғам, яъни фироқ дарди менда, бундай ҳусн эса сендадир. Шу боис сени Юсуф, мени эса Яъқуб деб атасинлар”, - дейди.

Санга берсун илоҳи Нуҳ умрин,

Манга ҳам фурқатингда сабри Аюб.

Бу ғамким, биздадур, бу ҳусн сизда,

Сени Юсуф десунлар, бизни Яъқуб.

Шарқ адабиётларида умр – ҳаётнинг инсон ўз кўзи билан кўриб кечирадиган томони деб талқин этилади. Аҳли нубувват тарихларида қисқа фурсатли умргузаронлик қилган сиймолардан тортиб, абадий ҳаёт инъом этилганларигача қайд қилинади. Умрини ҳаёт кечмишлари билан ўтказган сиймолар ичида Нуҳ қадар узоқ муддатли дунёвий фаолият олиб борганлари талқинларда деярли учрамайди. Абадий тирик деб талқин этиладиган Исо, Идрис, Хизр, Илёлларнинг ҳам дунёвий яшаш муҳлатлари чегаралидир. Фикру ожизимизча, Нуҳ узоқ умр кечирганлиги унинг ҳаёти бир тамаддун тамом бўлиб, иккинчиси бошланганлигига тўғри келганлиги билан ҳам боғлиқдир. Мана шу ораликни Нуҳ тарихи боғлаб туради. Рабғузий талқинича, Нуҳга рисолат юз

ёшида келган, тўққиз юз эллик йил имонга даъват қилган. Яна бир ривоятга кўра тўрт юз ёшида пайғамбарлик келган. Тўфондан кейин уч юз эллик йил яшаган. Ҳаммаси бўлиб бир минг етти юз йил умр кечирган. Алишер Навоий фикрича эса унга баъзилар қирқ, баъзилар икки юз эллик ёшидан кейин ваҳий келган деб айтадилар. Тўққиз юз эллик йил халқни имонга даъват этган. Нуҳнинг умри бир минг олти юз, баъзилар айтишича, минг уч юзга етиб оламдан ўтган. Шеъриятда Нуҳ яшаш тарзи эмас, балки умр муддати эстетик туйғу уйғотади. Одатда, Нуҳ умри изҳор этилганда эзгу истаклар назарда тутилади. Шарқона талқинларга кўра, азизлар умри қанча бўлса ҳам биринчи галда сабот ва матонат йўли, эзгулик ва поклик матлабидир. Нубувват тарихида умр – дунё зуғумларига сабру чидам даври деб ҳам талқин этилади. Шу жиҳатдан Аюб пайғамбар сабру тоқатга рамз этилади. Бу сиймо ҳақида “Қасас ар - Рабғузий”да ҳам, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ҳам маълумот учрамайди. Қуръони каримда Аюб пайғамбарлардан бири сифатида қайд этилади. Мумтоз шеъриятда эса унча самарали бўлмаса-да, бадий санъат сифатида кўзга ташланиб туради. Талқинларга кўра, Аюб Иброҳим авлодидан саналади. У бой – бадавлат, мол – дунёси беҳисоб, фарзандлари, қариндошлари кўп эди. Лекин унга оғир синовлар раво кўрилади. Оғир дардга чалинади. Ҳақ ёди ва зикри учун юрак ҳамда тилигина омон қолади. Барча бойлигидан айрилади, қариндошлари ташлаб кетади. Яқинлари унга нисбатан иғво ва бўҳтон тарқатадилар. Ҳатто ширкда ҳам айблайдилар. Унга фақат аҳли аёли садоқат билан хизмат қилади. Манбаларга кўра, ўн саккиз йил шу тахлитда азоб – уқубат чекади. Лекин бирор сония ҳам Ҳақ зикрини унутмайди. Аюб барчасини сабр билан енгиб ўтади. Унга қайтадан соғлиқ ва беҳисоб бойлик ато этилади. Иккита булут тепасига келиб бири олтин, бири кумуш ёмғир ёғдиради. Аюбнинг мана шу матонати бадий талқинларда ибрат ва тамсил вазифасини



бажаради. Атойи лирик қахрамони ҳам шу нуқтаи назардан ўзига Аюб сабрини истайди. Яъқуб ва Юсуф қиссаси ҳам Аюб тарихидан ўтса ўтадики, аммо ундан қолишмаслиги барчага аён дир. Лекин сабр, фироқ масалаларида Яъқуб ва Юсуф тамсили шеъриятда ниҳоят дилдор манзараларни ҳосил этади. Бунинг боиси, бизнингча, Юсуф сюжетида тасвир дийдор билан хотималанишидадир. Атойи талқинида ҳуснга – Юсуф, айрилиқ ғамига – Яъқуб мажоз тимсоли бўлиб келади. Бугина эмас, шоир шеъриятида маъшуқалик мазҳарининг ифодаланишида Юсуф сюжети бажарган бадиий тасвир кўлами ниҳоят хилма – хил дир. Мисол учун Атойи ушбу мисраларида юз – Юсуф, зақан (ияк) чуқурлиги – кудук, соч – арғамчи, нафас – Исо, хат – Хизр, лаб – тиниклик сифатида талқин этилади.

Юсуф юзи, кудук зақани бор, сочи расан,

Исо дамю Хизру хат ерни зулол эрур.

Бунда ботин маъноларига кўра оладиган бўлсак, юз – илоҳий ҳусн, жамол тажаллисидир. Зақан – илоҳий тажалли мушоҳадаси, унинг чуқурлиги жамолни мушоҳада этиш нозиклиги саналади. Соч – моҳиятни зоҳир қилиш, талаб йўлидаги мустаҳкам арқонни англатади. Хат – буюклик бўлса, лаб – илоҳий файз ҳисобланади. Шундан шоир илоҳий зухурротни мажозан ифодалашда бир йўла Юсуф, Исо, Хизр билан боғлиқ тафсилотлардан маҳорат билан фойдаланади. Ушбу мисраларда эса “эй ҳуснда комил, сенинг жамолинг Юсуфдан ёдгорлик, сенинг ҳажрингда кўзларим Яъқубдек дир”, - тарзида маъно бор. Яъни: “Эй камоли ҳусн, Юсуфдин жамолинг ёдгор, Бўлди ҳажрингдин биайниҳ кўзларим Яъқубвор”, - дейди. Ҳусн – мукаммал камолот ва сифат рамзидир. Яъни, жамол, дийдор, ҳусн – Ҳақ зотидаги мукаммал комилликлар бадиий ифодасидир. Атойи бир ғазалида ишқ назари, чоҳи занаҳдон (ияк чуқури), кўнгил Юсуфи, зулф расани (зулф арқони)

каби образли бирикмалар билан бадиий манзара яратади.

Ногаҳ назарим чоҳи занаҳдонингга тушти,

Богланди кўнгул Юсуфи зулфинг расанида.

Бунда сиртдан қаралганда шеърда “менинг назарим чоҳи занаҳдонингга тушиб, кўнглим зулфинг арқонига боғланди”, – тарзида мазмун бор. Шоир тасвирни шу даражада маҳорат билан амалга оширганки, унда китобхон бир қарашда Юсуф воқелигини сезмасдан қолади. Бироқ уни англамаслик кишини шеър бадииятидан йироқлаштиради. Бир сўз билан айтилганда байт мазмуни учун Юсуфнинг биродарлари томонидан кудукқа ташланиши воқеаси бадиий тасвир бўлиб хизмат этади. Бу воқелик бутунисича шеърга кўчирилган. Бошқа хилда изоҳланганда, “кудук ичидаги ҳолат юзага чиқарилган”. Кудук – бағбақа чуқурлигига, кўнгил – Юсуфга, зулф – арқонга айланган. Байтнинг ботин маъноси, кўнгилнинг оташин ишқ билан азалий маъшуқага боғланганлигини билдиради. Навбатдаги сатрларда ҳам Юсуф мавзуси давом этади. Лек бунда Юсуфнинг зиндонбанд этилиши воқелиги лирик тасвирга асос бўлган. Байт мазмуни зоҳиран қаралганда ҳам, ботинан ҳам ишқ мавзуси талқинига доир эканлиги кўринади. Мумтоз тасвирларда ишқ талқини икки, яъни зоҳирий ва ботиний қатламда акс эттирилиши шарқона қарашлардаги “мажозий ва ҳақиқий ишқ” масалаларига бориб тақалади. Шеърда юз, кўнгил, зулф, кўз, лаб, қош, қомат ва бошқалар тасвир этилганда талқин ўша “ҳақиқий ишқнинг мажоз тили” билан ифодаланаётганлигини билдиради. Акс ҳолда “ҳеч бир мумтоз адиб ёрнинг қошу кўзини мадҳ этиш учунгина қалам тутмас”лиги маълум бўлади (Иброҳим Ҳаққул). Шеър ташдан изоҳланганда “кўнгил юзга ошуфта бўлди, зулф ва сақоқини истайди. Бу Юсуфни севганлар уни зиндонбанд этишни орзу қилганларидек дир”, – маънодаги фикр келиб чиқади.



*Чун юзин севди кўнгул зулфу
занахдонин тилар,*

*Оре, Юсуфни севанлар банду зиндон
орзулар.*

Бу ўринда ҳам кўнгил тимсоли Юсуф билан монанд равишда талқин этилади. Кўнгилнинг юзга ишқи – зулф ва занахдонга тузоқ этилганидир. Бу ишқ боис Юсуфнинг банди этилишига ўхшатилади. Шу жойга келиб бир мулоҳазани айтиб ўтиш керак бўлади. Биринчидан, кўнгилни Юсуфга қиёс этиш ҳам бетакрор талқиндир. Иккинчидан, “Юсуфнома”ларда Юсуфнинг банди этилишига бир сабаб Зулайҳо ишқини рад этишидан келиб чиқади. Яъни, сюжетда Юсуф зиндонга ташланган бўлса, шоир талқинида ошиқ кўнгилга банди этилади (“Юсуфни севган уни зиндонбанд этишни орзу қилади”). Байт тасвирида худди Қуръондаги каби Зулайҳо номи учрамайди. Аммо унга “Юсуфни севанлар” тарзида ишора этилади. Шундан Юсуф ва кўнгил маъшукни ошиқ этган ҳусн шоҳига мажоз бўлиб келади. Янада аниқроғи бадий талқинларда кўнгил ва Юсуф ишқга мазҳар бўлганлиги билан ҳам ўзаро мос ва хос тимсоллик касб этади. Атойи талқинича, Юсуфга зиндон ишқ тузоғи бўлгани каби кўнгилга сақоқ чуқурлиги шул юзга ошуфталик тузоғидир. Шу тариха бадий талқинлардан Яъқубни “пири Канъон” тарзида таъриф билан қўллаш ҳам Атойи топилмаларидан саналади. Албатта, мумтоз адабиётимизда Одам – “Абулбашар”, Нуҳ – “Шайх ул-анбиё”, Иброҳим – “Абул анбиё” тарзидаги номларда ҳам талқин этилади. Лекин “Канъон пири” шаклида тавсиф Атойи талқинидагина учрайди.

*Умри жовидон берурда, Хизрга оби
хаёт,*

*Шарбати лаъли лабингдин олди
қатра чошни.*

*Неча йиғлай ҳасратингда пири
Канъони бикин,*

*Раҳм қил, охир йигитсен, кўр,
кўзимда ёшни.*

Мисраларда: “оби хаёт - Хизрга абадийлик умрини бераётганда, бир қатра

тотни сенинг лаъли лабингнинг шарбатидан олди. Пири Канъондек сенинг ҳасратингда қанча йиғлайин, ахир, раҳм қил, кўзимдаги ёшларни кўр”, – мазмунидаги фикрлар баён этилади. Бу ўринда “кўр” икки хил маънода, яъни “кўрмоқ” феъли ва “кўр кўз” маъносида сифатни англариб келмоқда. Иккинчи маънода Яъқубнинг жигарғўшаси Юсуф дардида кўзи кўрмас бўлиб қолганлигига ишора бор. “Қисас ул-анбиё”ларда гўзаллик ҳақида гап кетганда аёллардан биринчи заифа Ҳавога, эрлардан эса Юсуфга беқиёс чирой ато этилганлиги қайд этилади. “Қисас ар-Рабғузий”да келтирилишича, Аллоҳ таоло кўркни юз бўлак қилади. Тўксон тўккиз қисмини Ҳавога, бир улушини қолган ҳаммага беради. Шу бир улушни ҳам ўнга бўлади ва тўккиз қисмини Юсуфга, бир қисмини бошқаларга беради. Момо Ҳаводан кейин гўзаллик Зулайҳога ҳам нисбат берилган. Лекин бадий талқинларда Ҳаво ёки Зулайҳо эмас, балки Юсуф ҳусну малоҳат тимсоли бўлиб келади. Умуман мумтоз тасвирларда Лайли, Ширин, Узро, Дилором кабилар ҳам дилдор образлар сифатида ишқ маҳзари деб талқин этилса-да, кўркамлиқ тимсоли деб мадҳ этилмайди. Бу, фикримизча, Шарқ наздида аёл гўзаллиги ички сир деб қабул этилиши билан боғлиқлигида бўлиб, уни ошкор этиш бадий талқинда мафтункорлик ҳисобланмаслиги билан характерланади. Шу боис Атойи “у ҳуснда Юсуфдек бўлса, мен пири Канъон, кўзимга малҳам ҳам кор қилмайди”, - дейди.

*Гарчи Юсуфтек бўлубтур, ҳусн
мисринда азиз,*

*Пири Канъонмен, кўзумга тўтиё
раҳм айламас.*

Бу ўринда ҳам Яъқуб фарзанди дардида кўзлари кўр бўлиб қолганлиги воқелиги лирик ифодага асос бўлган. Байтда сўзнинг маъно кўчиш усулидан усталик билан фойдаланилган. Унда “Миср” атоқли отдан турдош отга айланган бўлса, “азиз” отдан сифатга кўчган, Юсуф “тек” қўшимчаси билан ташбих этилган, Яъқуб “пири Канъон”



сифатида ишлатилган. Атойи лирикасида Юсуф тимсоли билан боғлиқ бадий топилмалардан бири “Байтул-аҳзан” (ғам уйи) тимсоли ҳисобланади. У шоир шеъриятида “кўнгил уйи”га қиёс этилади. Манбаларда “Байтул-аҳзан” ўз фарзандидан айрилган Яъқуб пайғамбар томонидан қуриб олинган уй эканлиги айтилади. У Атойи талқинида “Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн, Бу кун Яъқубтек Байтул-ҳазанда”, - тарзида ифодаланади. Шундан гўё лирик қаҳрамоннинг “кўнгил уйи” Юсуфидан айрилган Яъқубдек “Байтул-аҳзан”га айланган. Сен Юсуфга ўхшаб менинг “Байтул-аҳзан кўнглим”га назар ташлагин – дейди. “Байтул-аҳзан айладим кўнглум уйин Яъқубтек, Қил назар Юсуф менгизлик Байтул-аҳзон кўнглума”. Ёки бошқа бир мисраларда Юсуф – ҳуснга, Яъқуб - дардга, Байтул-аҳзан – кўнгилга ташбиҳ этилиб, бетакрор бадий-эстетик манзара яратилади. Яъни: “сенинг ҳуснинг билан менинг куюк дардим оламини тутди. Юсуф, Яъқуб ва Байтул-аҳзандан сўз юритишнинг ҳожати йўқ”, - деган мазмунда фикр билдиради.

Дунёни тутти санинг хуснунг била дардим сўзи,

Юсуфу Яъқуб ила байтул ҳазандин ким десун?

Шулар қатори Юсуфнинг зиндонда чизган сурати, молга сотилгани воқеалари ҳам шоир шеъриятида турли рамзий тасвирларига эга. Айниқса Атойи лирикасида Юсуф билан Зулайҳо образлари биргаликда тасвир этилган ўринлар ҳам учрайдики, бундай талқин бошқа бир шеърий ижод намуналарида кўп ҳам кўзга ташланмайди. Яъни, “Юсуфнома”лар шу икки образ ва улар орасидаги ишқ туфайли китобхонларни ўзига кўпроқ мафтун этган бўлса-да, бироқ лирикада улар орасидаги ишқ ёки бошқа масалалар рамзий – мажозий талқинларда ҳамкорликда иштирок этмайди. Бу эса “Юсуфнома” мавзусининг ниҳоятда бир ўзига хос олам эканлигини ҳам кўрсатади. Шарқ мумтоз талқинларида ишқ ва ошиқлик мавзуси ҳижрон, висол сингари

тушунчалар билан бутунлик касб этади. “Юсуфнома” ҳам аслида буюк ишқ достони, аммо унда акс этган ишқ мазҳари “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Вомик ва Узро”лар билан таққосланиши ўзга руҳда бўлиши лозим. Яъни, бунда Юсуф тимсоли Ширин, Лайли, Узро каби ишқ мазҳаридир. Шунинг учун бошқа ошиқ ва маъшук жуфтликлари бир ўринда тасвирланади. Лекин Юсуф ва Зулайҳо образларида бундай ҳол баъзи сатрлардагина учрайди. Тасвир этилганда ҳам ўзида ишқ алангасини уйғотган “ҳусн шоҳи”, Зулайҳони “ор-номус пардасидан чиқарган” хилқат Юсуф образида ифодаланади. Буни Ҳофизнинг машҳур: “Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим, Чиқармиш ишқ номус пардасидан Зулайҳони” мисралари ёки Бимий қаламига мансуб “Ўртанди Зулайҳо кўп Юсуфнинг фироқида, Ҳар балдада дилдори бегона экан мендек”, - сатрлари мазмунидан ҳам илғаш мумкин. Атойи шеъриятида ҳам худди шунга ўхшаш талқин кузатилади.

Ишқ мисринда азиз ўлмас Зулайҳодек киши,

Кечмайин Юсуф учун номусу нангу ориддин.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкид этиб ўтиш керак. Мумтоз шеъриятда Юсуф образига мурожаат этилганда кўпинча “азиз” сўзи қўлланилади. Бу мумтоз шеър поэтикасида хос қонуниятдан бири саналади. Унга кўра, муайян бадий тасвир яратилганда бир тушунча доирасидаги уядош ифодалар битта марказда тўпланади. Буни таносуб санъати деб ҳам атайдилар. Лекин масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, шу бир доирадаги тушунча ёки сўз бутунлай ўз маъносидан ташқарида бўлиб келади. Чунончи Атойининг ушбу сатрларидаги “миср”, “азиз” каби сўзларни айтилганларга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шеърда оддий поэтик сўз бўлиб келган бу тушунчалар аслида “Юсуфнома”ларда асосий ўрин тутадиган жой ва образлар ҳисобланади. Ушбу байтда ҳам Ҳофиз, Бимий талқинлари



сингари оҳанг акс этган. Яъни унда: “Юсуф учун ор-номусдан кечмасдан туриб ишқ бобида Зулайҳодек муҳтарам бўла олмайди”, – тарзида фикр бор. Бу халқона таъбир билан айтилганда “жон чекмасанг жонона қайда” ҳикматига мос келади. Демак, мумтоз лирикада “хусн” масаласи алоҳида бир оламдир. У ўзида ишқ зухуроти, камол тажаллиси, мукаммал ҳақиқат ва мутлақ жамол руҳини ифодалаб келади. Атойи таъкидлаганидек, “Миср шаҳринда Зулайҳони азиз Юсуф учун, Хор қилғон ер тубиндин ҳам чикориб хусн эрур”дир. Яъни, Зулайҳони Миср шаҳрида хор қилган Юсуф эмас, балки унда зоҳир бўлган шу хусн ҳисобланади. Шундан мумтоз тасвир бадиияти учун “жонбахш лаб” – Масиҳога, “хусн” – Юсуфга, “малих жамол” – Ҳабибга қиёсланади.

Бу лаби жонбахшу бу хусну малоҳат сендадур,

Ё сени Юсуф десунлар, ё Масиҳо, ё Ҳабиб.

Мавлоно Атойи талқини бўйича ҳам “хусн” кўп маъноли тушунчадир. Унинг мажози одамий жамол бўлса, ҳақиқати илоҳий кўрк саналади. Бунда у ҳам ўзида, ҳам ҳақиқатда гўзалликни билдиради. Буни моҳиятан “Аллоҳ гўзалдир ва у гўзалликни севади”, - қудсий ҳадисининг бадиий талқини дейишимиз ҳам мумкин. Шунга монанд равишда “кўз”, “лаб”, “юз”, “хат”, “хол”, “қош”, “зулф” каби тимсоллар ҳам бутунни бўлак билан ифодалайди, холос. Бошқача айтганда сўзлар синекдоха асосида маъно кўчади. Яъни, мумтоз шеърятда бу тимсоллар тасвирланганда шу узвлар ўз маъноси билан бунчалик дилдор туйғулар, романтик кечинмалар уйғотишга қодир ҳам эмас эди. Бу адабиёт сўзлар жилоси, маънолар ифори, мажозлар салтанатидан иборатлиги билан ҳам изоҳланади. Шу билан бирга бу тимсоллар бадиий талқинда “жинс”, миллат ёки элат ифодаси билан ҳам характерланмайди. Агар белгиланганда дилдор образининг туркона ёки бошқа миллий руҳдаги қиёфасини топишда мушкулотларга дуч келинар эди. Мумтоз адабиётда ишқ махзари бўлиб

келадиган тимсоллар хилма – хилдир. Бунда образ чин бир маънода дилдорлик ва ошуфталик рамзи бўлиши талаб этилади. Шунинг учун улар гоҳ Чиндан, гоҳ Мочиндан, гоҳида санам, гоҳида тарсо тимсолларида ҳам тасвир этилаверади. Хуллас, бунда образ рамзияти қандай типлигидан фарқсиз ҳолда бадиий – эстетик ҳис, дилдор руҳ касб этиши, тасвир табиийлигига эришиш санъати лозимдир. Шу боис Атойи бир ғазалида “илоҳий руҳ мужассам лабингда Исо нафаси зухур этади, хуснингга фалаклар ошиқдир, парилар ҳайратдадир, одамийлар қулдир”, - деса, бошқа бир асариде “хусн, малоҳат, карам, латифликлардан биттасигина Юсуфда бор бўлса, сенда бори, яъни ҳаммаси бор”, - дейди.

Эй мужассам руҳдин лаълингдатур Исо дами,

Хуснунга ошиқ фалак, ҳайрон пари, қул одами.

* * *

Хусну малоҳату караму лутф бобидин,

Юсуфқа бири бўлса, бегим сизда бори бор.

Шу ўринда яна бир фикр ёдга келади. Атокли адиб Абдулла Қодирининг “Ўтган кунлар” романида “бегим” сўзи ниҳоят бир назокат билан Қумушбиби тилидан Отабекга нисбатан қўлланилади. Бу сўз туркона “бек” сўзига “им” эгалик қўшимчасини қўшишдан ҳосил бўлган. Худди шу сўз Абдулла Қодиридан бир неча аср илгари Атойи шеърятда маъшуқа маъносида бадиий ифодасини топган. Яъни, юқоридаги байтларнинг биринчисиде ёрни бутунликда ифодалайдиган сифат келтирилмасдан, у бўлакликда “лаълинг” ва “хуснинг” тарзида ишлатилган бўлса, иккинчисиде бўлак шаклида эмас, балки бутун тарзда “бегим” деб ишлатилган. Ёхуд Атойининг бошқа бир “сизсиз манга” радифли ғазалида “Эй бегим” ундалма вазифасини бажарган. Бунда лирик қаҳрамон ошиқ: “Эй бегим, менинг танамга сизсиз жон ҳам, Хизр ҳаёти ҳам, абадийлик умри ҳам керак эмас”, - демокда



(“Эй бегим, валлоҳ, керакмас танда жон сизсиз манга, Ҳам ҳаёти Хизру умри жовидон сизсиз манга”). Эътиборлиси “бегим” ифодаси Атойи лирикасида гоҳида учрайдиган тасвир ҳам эмас, балки у анча самарали ўринни ташкил этади. Бундан кўринадики, туркий – ўзбек тилида бирйўла ошиқ ва маъшукни англатувчи бир шаклли сўзлар қадимда ҳам кўп қўлланилган экан. Атойи шеъриятида аҳли нубувват тимсоллари талқини билан боғлиқ бундай бетакрор бадиий топилмалар, ташбиху қиёс-таққослар, рамзий тасвир ва мажозий ифодалар кўп учрайди. Мавзу таҳлилини нубувват нури талқини масаласи билан бошлаган эдик. Хулосани ҳам шу тарзда яқун этиб, Атойининг ушбу мисраларига эътибор қаратиш лозим кўрилди. Бунда “қаро зулф” тимсоли матн мазмунини бошқариб беради. Байтни сиртдан таҳлил этсак, “сенинг қаро зулфинг қаролигида куффорлик намоён этиб, энгингни Мустафо нури, холингни Билол айлайди” – дейилган фикрни уқиб олишимиз мумкин.

Қаро зулфунг саводидин румузи куфр этиб зоҳир,

Энгингни Мустафо нури, менгингни ҳам Билол айлар.

Бу мисралар ички маънолар сатҳида бир томондан қаршилантириш санъати ҳам жо этилган. Унда зулф бирйўла куфр ва имон зоҳир этмоқда. Зулф тимсоли маърифий талқинларда ҳам кўп маъно ифодалаб келади. У онг ва идрокдан ташқарида бўлган ғайб оламини англатади. Тасаввуф манбаларида бир жиҳатдан куфр зулумотига, бир томондан тажалли нурига румуз бўлиб келиши ҳам таъкидланади. Байт мазмуни ҳам шунга ишора этмоқдадир. Энди шеърдаги иккита масалага эътибор қаратсак. Биринчиси,

“Мустафо нури” масаласи бўлиб, мумтоз ижод соҳиблари бу ҳақда руҳбахш сатрлар битганлар. Уларда “нур” набийлик инъоми сифатида талқин этилган. Чунончи Алишер Навоий фикрича, “Ул ҳазратнинг нури қадимиятидаким зот баҳрининг аввалғи жунбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржға интиқол етти то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳға етти”. Иккинчиси, “менг” ва Билол масаласи бўлиб, бу тасвир мумтоз шеъриятда ғоят дилбар топилмалар сирасига киради. Энг муҳими қора хол ва Билол муносабати туркий шеъриятда биринчилардан бўлиб Атойи томонидан ташбих этилганлигидир. Манбаларда Билол Ҳабаший биринчи муаззин деб таъриф қилинади. Ривоятда келтирилишича, жаннат хурлари охир замонгача ўзларига оро берар эканлар. Бу зеб охир замонга келиб ниҳоясига етар экану, лекин хол масаласида камчилик қолар экан. Шу замон Билолнинг қоралиги жаннат хурларга нуқта - нуқта қилиб бўлиб берилар экан. Шу билан улар гўзаллиги камолга етар экан. Бу ҳолат шоир шеъриятида худди “нур” ўз асли Мустафода намоён бўлиб, нубувват камолга етгандек тамсилни вужудга келтиради.

Хуллас, шу тариқа Атойи шеърияти бадииятига хос хусусиятлар бир дунё саналади. Уларни бугунги истиклол адабий – эстетик қарашлари руҳида таҳлил этиш илм ва замон талабидир. Бу фақат шоир шеърияти олами жозибадорлигини илғаб олиш нуқтаи назаридангина эмас, балки умуман мумтоз бадиий тафаккур сарҳадларини борица ҳис этишда муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009 йил.
2. Атойи. Девон. – Тошкент: “Фан”, 2008 йил, 319 бет.
3. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. O‘n jildlik. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axbarot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2012 yil



4. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973 йил, 782 бет.

5. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат (Атойит поэтик маҳорати). – Тошкент: “Фан”, 1995. – 154 б.

Кобилов У. Интерпретация деталей и художественных образов в лирике Атаи. *Статья посвящена исследованию художественных образов в поэзии Мавлана Атаи, одного из представителей тюрко-узбекской литературы. В статье раскрыто отражение интерпретации образы пророков, а также художественные образы и детали, определяющие символично-метафорическое изображение в лирике поэта. Вместе с тем, с новой точки зрения проанализировано поэтическое мастерство Атаи, своеобразный стиль, созданные поэтом, оригинальные уподобления.*

Kabilov U. Interpretation of details and artistic images in the lyrics of Atai. *The article is devoted to investigation of the artistic images in the poetry of MawlanaAtaim, one of the representatives of the Turkic-Uzbek literature. The article discloses the interpretation of the reflection images of prophets and artistic images, and details of defining symbolic and metaphoric images in the lyrics of the poet. At the same time, with a new point of view are analyzed poetic skills of Atai, his original style and assimilation.*



XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Нашиёт-тахрир маркази

Мухаррирлар	–	С. Каримова
Техник муҳаррир	–	Ҳ. Амирдинов
Саҳифаловчилар	–	З. Усманова, Ш. Абдурахимов


Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 25.09. 2017.

Адади 200 нусха. Қўғоз бичими А4.

Буюртма №267. Times гарнитураси.



ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ» ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖУРНАЛИГА МАҚОЛАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

- Мақола муаллифи ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати.

-Мақолани чоп этиш ҳақидаги эксперт хулосаси.

-Мутахассислиги бўйича фан доктори ёки профессор томонидан имзоланган тақриз.

-Муаллиф(лар) тўғрисида маълумот (иш жойи, лавозими, яшаш жойи телефони ва электрон почтаси).

- Мақолалар Microsoft Word дастури «Times New Roman» гарнитураси 14 шрифтда, каторлар ораси икки оралик билан ёзилган, икки нусхада (электрон варианты билан бирга) тақдим этилади. Мақолалар чизмаларсиз саккиз саҳифада қисқа хабарлар эса икки саҳифадан ошмаслиги лозим.

- Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар Давлат стандарт талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланиши лозим.

- Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт ва чоп этилган санаси (китоблар учун), журнал номери, саҳифа (журнал учун). Адабиётлар сони 7 тадан ошмаслиги тавсия этилади.

- Мақоланинг иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатилган ҳолда, барча муаллифлар томонидан имзоланиши лозим.

- Мақолани миллий менталитет тил эталони бўйича, синчковлик ва диққат билан ёндашган ҳолда, услубий ва грамматик жиҳатидан юқори даражада талабчанлик билан илмий-услубий мақомида таҳрирланган ҳолда тайёрлаш талаб этилади.

- Зарурат бўлганда таҳририят мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.

- Мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб таҳририятга тушган ҳисобланади.

- Эълон қилинган материаллар муаллифга қайтарилмайди, тақриз ва изоҳ берилмайди.

- Янги илмий-услубий ва амалий натижаларга эга бўлган ва 50% дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек ёки рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар ва бошқа соҳа бўйича шакллантирилган эксперт гуруҳларининг экспертизасидан ўтган мақолалар журнал саҳифаларида жойлаштирилади.

-Мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияларининг борлиги текширилади.